

УСТОЗ ЎГИТИ — МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг жорий йил 25 сентябрдаги буйруғига мувофиқ олий таълим муассасаларининг бир гуруҳ иқтидорли талабалари давлат стипендияси соҳиби бўлишди. Улар орасида Самарқанд давлат чет тиллар институтининг роман-герман тиллари факультети, француз тили ва адабиёти йўналиши талабаси Хуршид Файзуллаев ҳам бор.

Хуршид Файзуллаев француз тилини мактабда ўқиб юрган кезлариданок пухта ўзлаштиришга киришди. СамДЧТИга ўқишга киргач, тажрибали ва малакали устозлари раҳбарлигида бу тилни янада мукаммал ўрганишга бел боғлади. Иқтидорли талабани устозлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашди. Натижада унинг республика ва хорижий илмий журналларда қатор мақолалари эълон қилинди.



Француз тилини мукаммал ўрганиш ва ўқитишга бағишланган долзарб мақола ва лойиҳалари билан халқаро конференция, юртимизда ўтказилган анжуманларда ҳам иштирок этди. Ўз устида ишлаб, доимо изланган Х. Файзуллаевнинг "Contes populaires ouzbeks" (Ўзбек халқ эртаклари) таржима асари нашр этилди. Бундан ташқари, француз тилини мультимедиа дастурлари орқали осон ва самарали ўрганиш бўйича бир неча услубий қўлланмалари чоп этилди. Ушбу изланишлари тўғрисида у яқинда Ислом Каримов номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлди.

— Агар биз, ёшларни қўллаб-қувватлаб, тўғри йўналтирадиган, пухта билим берадиган устозларимиз бўлмаса, ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмаймиз, — дейди Хуршид Файзуллаев. — Мени ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, изланишга ундаган, билим берган устозим, француз тили ва адабиёти кафедраси мудирини, филология фанлари номзодини Н. Сувоновани муваффақиятларим калитини, деб биламан. Чунки устоз доим биз, талабаларнинг иқтидоримизни рўёбга чиқариш, пухта билим олишимизда ўзининг тажриба ва малакасини аямайди. Иродамизни мустаҳкамлаб, олға интилишга ундайди.

Х. Файзуллаевнинг олдига қўйган мақсадлари кўп. Келгусида ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб, эл-юртимиз равнақи, халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш истагида изланиб, илм олмақда.

Абдухошим ЗИЁДОВ,
"Samarqand" мухбири